

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИР КЎРСАТАЁТГАН ТАҲДИДЛАР ТАҲЛИЛИ

Илҳом Абдихалилович СУВАНОВ

Фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Республика Маънавият ва маърифат маркази
хузуридаги Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ёшлар дунёқарашига таъсир кўрсатаётган таҳдидлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Ёшларнинг онги ва дунёқараши, тафаккури кун сайин ўзгариб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида огоҳ ва ҳушёр бўлиш, бундай таҳдидлар таъсирига тушмаслик борасида айрим фикрлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: ёшлар, дунёқараш, таҳдид, таҳлил, мафкура.

АНАЛИЗ УГРОЗ, ВЛИЯЮЩИХ НА МИРОВОЗРЕНИЕ МОЛОДЕЖИ

Илҳом Абдихалилович СУВАНОВ

Доктор философии по (PhD) философским наукам
Институт социально-духовных исследований
при Республиканском центре духовности и просветительства
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье с научной точки зрения проанализирован анализ угроз, влияющих на мировоззрение молодежи. Также в статье выдвгаются мысли о том, что в условиях глобализации сознание и мировоззрение молодежи меняются день ото дня, что требует бдительности и внимательности, необходимости ограждения ее от различных угроз.

Ключевые слова: молодежь, мировоззрение, угроза, анализ, идеология.

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг онги ва дунёқараши, тафаккури кун сайин ўзгариб бормоқда. Албатта, бу ҳозирги кунда илм-фан, техника, технологиялар, замонавий ахборот коммуникация соҳаларидаги ютуқларнинг ҳаётимизга жадал кириб келиши билан бевосита изоҳланади. Маълумки, сўнгги йилларда дунё миқёсда интернетдан фойдаланувчилар сони кескин ошиб бормоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳам интернет фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ошгани матбуотда эълон қилинди. Аксарият фойдаланувчиларнинг энг кўпи “Телеграм”, “Фейсбук”, “ТикТок”, “Инстаграм” каби ижтимоий тармоқларни ташкил этмоқда. Шу

ўринда, глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий таъсирларини ҳам ҳаётимизда сезаяпмиз.

“Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлмоқда” [4]. Бинобарин, жамиятда ёшлар маънавиятига таҳдидлар ва турли ёт оқимлар ва “ўзгача” маданиятларнинг “хуружи” тобора кучайиб бораётганлигини англаш қийин эмас.

Мазкур таҳдидларнинг 3 та кўриниши яққолроқ намоён бўлмоқда. Биринчиси, мафкуравий хуружлар бўлиб, булар:

- шахс фикрини бузиш;
- шахс дунёқарашини айнитиш;
- шахс позициясини ўзгартириш.

Иккинчиси, ғоявий таҳдидлар бўлиб, булар:

- шахс хулқ-атворини айнитиш;
- шахс ахлоқий муносабатларини издан чиқариш;
- шахс муомаласини бузиш.

Учинчиси, информацион ҳужумлар ва кибертаҳдидлар бўлиб, булар:

- шахсга нотўғри маълумот бериш;
- шахс билимини қолоқлаштириш;
- шахс фаолиятини заифлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар.

Ҳозирги кунда инсоният ҳаёти ва жаҳон тараққиётининг демографик ҳолатига кўра, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бораётган давлатлар қаторига кириб бормоқда. Ўзбекистон аҳоли орасида ёшлар сонининг кўплиги бўйича нафақат Осиё давлатлари, балки бутун дунё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Яъни, мамлакатимиз аҳолисининг қарийиб 66 фоизини ёшлар ташкил этади. Бугун ёшларимизни дунёда тобора кучайиб бораётган турли маънавий хавф-хатарлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, бу балоларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бутунжаҳондаги 2 миллиарддан ортиқ ёш авлод вакиллариининг инсоният тараққиётида муҳим ўринга эга бўлаётгани ва ёшлар омилининг алоҳида эътиборни талаб қилаётгани ҳақидаги фикри ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

“Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади, деган хулосаси эса БМТга аъзо барча мамлакатлар вакиллариининг диққатини ўзига қаратгани бежиз эмас [1].

Шу билан бирга давлат раҳбарининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг 2018 йил 10 июндаги мажлисида илгари сурилган «БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам айтилди шу нуқтаи назардан ниҳоятда долзарб вазифалар мавжудлигини англатади [2].

Бугунги инсоният ҳаёти ва жаҳон тараққиётининг демографик ҳолатига кўра, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида аҳолиси тез суръатлар билан

Ўсиб бораётган давлатлар қаторига кириши маълум. Бу борада таъкидлаш жоизки, дунёдаги ҳар бир давлат ва жамият каби, мамлакатимизда ҳам, ёшлар сиёсатига алоҳида аҳамият қаратилиши бежиз эмас. Айниқса, бу борада, мамлакатимизда ёшларнинг жамиятдаги ўрнини оширишда амалга оширилаётган ислохотлар замирида энг авалло, замонавий фикрлайдиган, ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ўтган йилларда бу соҳада тадрийжий ва тизимли тарзда амалга оширилган туб ислохотларнинг бугунги кунга келиб янгича дунёқараш ва демократик тафаккурга эга бўлган ёшларнинг янги авлоди шаклланиши учун мустаҳкам таянчга айланиши жараёнини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва бу борадаги тажрибаларни умумлаштириш долзарб масалалардан бирига айланди [5].

Ёшлар онгига таъсир кўрсатувчи ёт ғояларга қарши курашиш мақсадида сўнгги беш йил ичида маънавий ва маърифат тизими самарадорлигини оширишга қаратилган 11 та қонун ҳужжати, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони ва 4 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори ва 5 та фармойиши қабул қилинди. Шунингдек, маънавий тарбияни тизимлаштиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Айни вақтда, ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг ғоявий иммунитетини мустаҳкамлаш йўналишида тадқиқотчилар томонидан бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, кўплаб диссертациялар ҳимоя қилинди.

Жумладан, “Ўзбекистон ёшлари маънавий қиёфасини шакллантиришда умуминсоний ва миллий қадриятлар диалектикаси”, “Мамлакатимиз қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда қатнашуви натижалари, бу борадаги муаммо ва ечимлар”, “Ёшларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамияти”, “Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида)”, “Таълим-тарбия

жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилган технологияси (бошланғич таълим мисолида)”, “Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновациялар (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошлари)” каби мавзуларда ҳимоя қилинган диссертацияларда ёшлар қатлами, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир айрим масалаларга бағишланган.

Албатта, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан фарқлаш ижтимоий ҳаёт моҳиятини чуқурроқ билишга имкон беради. Аслида реал ҳаётда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Илмий иазария ва амалиётда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан ажратиш, улардан бирини муҳимроқ, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш жамиятнинг табиий-тарихий ривожланишини издан чиқаради.

Жамиятнинг маънавий-интеллектуал тараққиёти учун иқтисодий замин яратиш қанчалик муҳим бўлса, моддий фаровонликни таъминлаш учун маънавий-интеллектуал салоҳиятни кучайтириш ҳам шунчалик муҳимдир. Аммо, бугунги кунда ёшлар орасида маънавий тараққиётнинг изчил ривожланишига тўсиқ бўлаётган бир қанча маънавий таҳдидлар мавжуд.

Ҳақиқатан ҳам дунёни қайта бўлиб олишга уриниш сиёсатининг авж олиб бориши халқлар турмуш тарзининг ёмонлашувига ҳамда инсоният маънавиятининг поймол бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда ахборот таҳдиди маданий-мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли қуролларидан бирига айланган. Ахборот таҳдиди – маънавий таҳдидларнинг асосий шакли. Ахборот таҳдиди деганда, ёлғон уйдирмалар тўқиб чиқариш, уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш натижасида салбий ижтимоий фикрни шакллантириш тушунилади. Ҳозирги кунда турли сиёсий кучлар ахборот уйдирмалари ёрдамида ўзларининг аниқ кўзланган мақсадларига интилмоқда.

Ахборот маконининг кўп ўлчамлилиги, кўп парадигмаси, рақобатдошлиги ҳар қандай ахборот оқимини ахборот урушига айлантириш потенциалини ўз ичига олади. Ахборот оқимида хавфли ижтимоий-маданий

таъсир алгоритмларини аниқлаш ҳамда ахборот урушларини олиб бориш усуллари ва шакллари аниқлик киритиш йўллари ҳозирги замон ахборот жамиятининг долзарб вазифасидир [9]. Ахборот урушлари аллақачон сиёсат, иқтисодиёт ва маданият соҳасида жуда кенг тарқалган ва самарали тўкнашув усулидир. Келажакда ахборот жамиятининг воситалари ва институтлари ривожланиши билан ахборот урушлари маҳаллий миқёсда ҳам, глобал миқёсда ҳам янада кенг тарқалиб боришини тахмин қилиш мумкин. Мазкур соҳада олиб борилаётган хуружда одамларнинг онги ва қалби учун кураш муҳим аҳамият касб этади.

Бунга мисол тариқасида қуйидаги интернет маълумотига эътибор берсак, масала янада тезроқ ойдинлашади: Исроил пойтахти Тель-Авивдан чиқаётган “News” газетасининг бир саҳифасида: “Нима қилсак Ислом динининг мувозанатини йўқотамиз, қандай қилиб Ислом динига устуворлик қила оламиз”, деган мавзуда мақола босилган. Унда қуйидаги маълумотлар айтилган: Яҳудийларнинг диний олимларидан бири Хенри Лунар бундай дейди: “Биз, мусулмонларнинг ўртасига низо солиб, Ислом динини кучсизлантириш мақсадида “Ватсап”дан фойдаланамиз. “Ватсап” бизга ёрдамчи бўлиб, туну-кун хизмат қилади. Биз бундай смс хабарларни, ер юзидаги мусулмонларнинг кўпчилиги мулоқот қилган: араб, турк, ҳинд, форс яна ундан бошқа кўплаб тилларда ёзиб тарқатамиз. Мусулмонлар бундай смсларга янада ишонишлари учун Қуръон оятларидан, саҳиҳ ҳадисларни, ер юзида таниқли бўлган олимларнинг сўзларидан қўшиб, энг охирига: бу хабарни 10 кишига ёки ундан кўп кишига юборинг. Агар 10 кишига юборсангиз, 15 даққиқадан кейин, ўша куни, бугун, ёки бир ҳафтадан кейин бир каромат кўрасиз, бу тажрибада қўлланилган, ишончли. Юборганлар тан оладиган кароматларга учраганлар, жўнатмаганлар эса балоларга учрадилар – дея ёзиб қўямиз. Смс хабарларда ёзилган вақтлар ўтганидан сўнг мусулмонлар ҳеч қандай каромат кўрмаганларидан кейин ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини тушунишади. Бундан эса Аллоҳ, Аллоҳнинг Расули (с.а.в) ва яна олим деган сўзларни оддий эртак қатори қабул қилиб, уларнинг сўзларини ёлғон деб

тушуна бошлайдилар. Вақтлар ўтиши билан, биз юборган смс хабарларимизни қайта-қайта юборилиши билан мусулмонларнинг иймонлари заифлашиб, динга бўлган ишончлари сўна бошлайди. Мана шу йўл орқали биз уларни ўз динига тўлиғи билан ишонмасдан, иккиланиб қолишига, ақидавий ишончларининг бузилишига олиб борамиз. Шундай қилиб, улар дин деган нарсани ёлғон-алдов деб тушуниб қолишади. Шу тариқа биз мусулмонлардан тўлиғича устунлик қиламиз” [10]. Бу ерда кўзланган мақсад, фуқароларда ўз эътиқодига ишончсизликни келтириб чиқариш мақсадида интернетдан қурол сифатида фойдаланилаётганини, қадриятларига нисбатан ишончсизлик қайфиятини келтириб чиқаришга бўлган разил ҳаракатларни англаш қийин эмас.

Ахборот хуружларининг ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда [8].

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, дунёнинг энг қудратли оммавий ахборот воситаларига Си-эн-эн (CNN), Би-би-си (BBC), Рейтер ахборот агентлиги киради. Улар орқали дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиб, исталган нуқтасига уни узатиш мумкин. Оммавий ахборот воситалари бугун қудратли кучга айланган. Улар ҳақиқатни ёлғонга, ёлғонни эса ҳақиқатга айлантириш имкониятларига эга. Шу боис ҳар бир инсон ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва узатиш маданиятига эга бўлиши шарт [6].

Шунингдек, бугунги кунда ёшларни маънавий таҳдидлардан асраш, маънавий-мафкуравий иммунитетини шакллантириш учун қуйидаги муҳим вазифаларни бажариш талаб этилади:

биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга татбиқ этишда сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшларнинг қизиқишлари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

иккинчидан, ёшларнинг инновацион фаолиятини бойитиш, уларнинг

хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, билими, характерини ҳисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, мустақиллигини таъминлаш;

учинчидан, ёшларни буюк алломалар қолдирган нодир асарларни ўқишга қизиқишини ошириш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, ёшларни оммавий ахборот воситалари, матбуот, интернет порталларидан ижобий ва самарали фойдаланишга жалб этиш;

бешинчидан, ташқи ва ички сиёсий ҳолатни миллий мафкура билан боғлаган ҳолда миллий манфаатлар негизида таҳлил қилиш ва баҳолаш;

олтинчидан, таҳлил натижаларини трансформация қилиш бўйича коммуникация ва инфраструктура тизимини ривожлантириш жараёнини амалий ўрганиш;

еттинчидан, муаммонинг бугунги ижтимоий-маънавий ислохотларга дахлдорлигини атрофлича таҳлил қилишга оид тизимли ва фундаментал илмий-амалий тадқиқотларни такомиллаштириш муҳим аҳабиёт касб этмоқда. Зеро, бугун глобал миқёсда ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи иллатлар ахборот воситаси орқали экспорт қилинаётганлигини англаш қийин эмас. Шу ўринда, ҳар қандай ахборот хуружлари – муайян кучлар томонидан ёшлар онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этмоқда. Хусусан, бу кучлар ёшлар турмуш тарзи ва менталитетида ёт ғояларни сингдириш учун уларга маънавий, моддий, руҳий таъсир ўтказишда ноанъанавий ва ноҳолис усуллардан фойдаланиш орқали ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга оширмоқдалар.

Бугунги кунда ахборот орқали узоқ ва яқин минтақада ўзига керакли ижтимоий фикр оқимини шакллантириш, ёшлар қалби ва онгини “*мўлжалли ўзгартириш*” айрим мамлакатларда долзарб вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Глобал миқёсда ёшлар қалби ва онгини забт этишга интилаётган ахборот хуружлари орқали муайян халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти ҳамда ҳарбий инфратузилмасига деструктив тарзда салбий таъсир

кўрсатадиган махсус дезинформацион (атайлаб нотўғри тарқатилган ахборот) ахборот тарқатилаётганлиги ташвишлидир. Шу тариқа, сохта ахборотларни уюштириш орқали нафақат муайян халқнинг, балки миллатнинг миллий турмуш тарзини ҳамда тафаккурини ўзгартиришга интилиш кучаймоқда. Зеро, ахборот хуружининг таҳликали шакли ёшлар онгига ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказишга уриниш эканлигини англаш лозим.

Ҳозирда дунёнинг “айрим” минтақалари ва ҳудудларида фаолият кўрсатаётган катта сармояларга эга сиёсий марказлар таъсиридаги замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари минтақа ва мамлакатларни онгли равишда “нишонга олиб”, мавжуд сиёсий режим билан фуқаролар орасига нифоқ солиш орқали мавжуд қонуний ҳукуматни заифлаштириш, иложи бўлса, бартараф этиш амалиётини авжига чиқаришмоқда [7].

Хулоса қилиб айтганда, “...биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз” [3]. Бинобарин, турли хил бўҳтон ва уйдирмаларни тарқатиш орқали ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илинтиришга интилаётган ғоявий таҳдидларга нисбатан мунтазам сезгир, огоҳ, ҳушёр бўлиш барча ватандошларимиздан теран фикрлашни тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://uz24.uz/uz/politics/shavkatmirziyoyev-bmt-bosh-assambleyasining-72-sessiyasida-nutqi>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг

кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2018. – 12 июнь, № 119 (7077).

3. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва сунянчимиздир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/zhismoniy-va-manaviy-etuk-yeshlar-ezgu-ma-sadlarimizga-etish-30-06-2017>

4. Мирзаёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашри. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – 263 б.

5. Дармонов А. Ёшларда таҳдидбардошликни шакллантириш: таҳлил ва талқин диалектикаси //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019. – Б. 4.

6. Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда маънавий-мафкуравий асослари: мавзуидаги илмий-услубий конференция материаллари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010.

7. Миллий манфаатлар ва бошқарув маъсулияти. (Огоҳлик ва хушёрлик тамойиллари). /Қ.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар:. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Тошкент: Фафур Гулом, 2008. – 205 б.

8. Ўсаров О. Мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш унда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. //Миллий тикланиш, 26 июнь 2013 йил.

9. Reshetnikova E.V. Shocking as a form of information warfare.// Информационные войны как борьба геополитических противников, цивилизаций и различных этосов: Сборник трудов Всероссийской научной конференции (г.Новосибирск, 26-27 апреля 2018 г.) / под науч. ред. проф. В.Ш. Сабирова; СибГУТИ. – Новосибирск: СибГУТИ, 2018. – 820 с.

10. <https://qrator.net/ru/>